Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 67 (8807). • 29 март, 1986 йил • ШАНБА • Баҳоси 3 тийин.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

**КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Мамлакат агросаноат комплексида хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.**

Қарорда қайд этиб ўтилганидек, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифаларни амалга ошириш агросаноат комплекси корхоналари ва ташкилотларининг фаолиятини яхшилашда қатъий силжишлар қилинишини, халқ хўжалигининг мана шу ғоят муҳим секторида бутун иқтисодий механизм такомиллаштирилишини, колхоз ва совхозлар мустақиллиги кенгайтирилишини ҳамда фаолият натижалари учун уларнинг масъулияти оширилишини талаб қилди.

Агросаноат комплексидаги мавжуд катта ишлаб чиқариш потенциали, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва 1985 йил апрель Пленумларидан кейин уни ривожлантиришда намоён бўлган ижобий силжишлар, бошқарувнинг қайта қурилганлиги ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини жадаллаштириш, маҳсулот сифатини ошириш ҳамда аҳолининг озиқ-овқат

(Давоми 2-бетда).

## ХОТИРА КУНИ



СОВЕТ кишилари турмушига социалистик жамиятимизга хос, файзли ва тўкин замонамизга мос янгича маросим, урф-одат ва расм-русмлар тобора кенгроқ сингиб бормоқда. Улар ижтимоий ҳаётимиз талабларидан келиб чиқиб, кишилар ўртасидаги муносабатларга ўзгача мазмун, ўзгача руҳ бағишламоқда. Ана шундай анъаналардан бири — моҳият эътибори билан янгича бўлган Хотира кунидир. Бу умумхалқ анъанаси республикамизнинг жуда кўп меҳнаткашлари изҳор этган фикр-мулоҳаза ва таклифларга мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан жорий қилинди. Уни ҳар йили баҳорда — март ойининг охирги якшанбасида нишонлаш белгилаб қўйилди. Эртага, 30 мартда Ўзбекистоннинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида ана шу Хотира куни биринчи марта ўтади.

«Социализм — юксак ахлоқ жамиятидир. Инсон ҳалол, номусли, ўзига талабчан бўлмасдан туриб, ғоявий юксак бўлиши мумкин эмас. Янги жамият идеаллари, принциплари ва қадриятлари қанчалик зўр ғайрат билан қарор топтириб борилса, тарбиямиз шунчалик самарали бўлади». КПСС XXVII съездига партия Марказий Комитети номидан М. С. Горбачев қилган Сиёсий докладдаги бу сўзлар Хотира кунидан кўзланаётган мақсадни ҳам белгилаб беради.

Хотира кунида халқимиз республикада Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашиб, дастлабки беш йилликлар даврида қаҳрамонона меҳнат намуналарини кўрсатган, жанг майдонларида Ватанимиз озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиб, орамиздан бевақт кетган юртдошларимизга самимий ҳурмат ва миннатдорчиликни ифодалайди. Бу халқимизнинг ўтмиш авлодининг жанговар ва меҳнат жасоратларини ҳамиша юксак қадрлашини намойиш этади, ота-боболаримиз хотирасига ҳурматимизни мустаҳкамлайди. Бу умумхалқ ва давлат аҳамиятига эга бўлган оммавий тадбир ҳозирги авлодни меҳнатсевар ва ватанпарвар қилиб тарбиялашда муҳим роль ўйнаши билан бирга турли диний маросимлар, ҳеч кераксиз урф-одатларни турмушимиздан қисиб чиқаришда ҳам таъсирчан ёрдам беради.

Хотира кунида турли миллатларнинг вакиллари ўзларининг вафот этган ота-оналари, қариндош-уруғлари, ёр-дўстлари дафн қилинган қабристонларга борадилар, биродарлик мозорлари, ёдгорлик мемориалларини реставрация қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда қатнашадилар, оммавий ҳашарлар уюштирилади.

Хотира кунини мақсадга мувофиқ равишда ўтказиш учун жойларда жиддий тайёргарлик кўрилди. Областимизнинг барча шаҳар ва районларида партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, маҳаллий Советлар ва жамоат ташкилотларининг бевосита раҳбарлигида бу янги гражданлик маросимининг ўзига хос тадбирлари ишлаб чиқилди. Шаҳар, район, қишлоқ, посёлка Советлари ижроия комитетларида тузилган штаблар ҳозир бу ишларни марказлаштириб турибдилар.

Меҳнат коллективларида, ўқув юртлари, турар-жойларда Хотира куни олдидан бахтимиз учун курашган ўлмас сиймоларнинг ибратли ҳаёт йўллари ҳақида лекция ва суҳбатлар, учрашувлар бўлмоқда. Бунда уруш ва меҳнат қаҳрамонлари, шонли ветеранлар ўтмиш ва бугунги кун ҳақида ёшларга мароқли ҳикоялар қилиб бермоқдалар.

Хотира кунининг асосий тадбирларини ёдгорлик мемориаллари, қабристонларда ўтказиш мўлжалланмоқда. Шунинг учун бу зиёратгоҳларни обод қилиш, уларда кимлар дафн этилганини белгилаб чиқиш ишлари олиб борилмоқда. Қабристонлардаги қабрларнинг ҳаммасига белгили рақамлар қўйилиши, марҳумларнинг исм-фамилиялари битилган тахтачалар билан таъминлашга киришилмоқда.

Бундай ишларни амалга ошириш кўпгина тарихий воқеаларни аниқлаб суриштириш, янги-янги маълумотлар тўплаш билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир қабристонда партия, совет, комсомол активлари, уруш ва меҳнат ветеранлари, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг вакилларидан иборат кенгашлар тузиш тавсия этилган. Бу кенгашлар шаҳар, район, қишлоқ, посёлка Советлари ижроия комитетларининг раислари ёки корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари бошчилигида иш олиб борадилар. Улар ёдгорлик ва қабристон атрофларини тартибга келтириш, ихота деворлари билан ўраш, асфальтлаш, электр чироқлари билан ёритиш, гул ва дарахтлар ўтқазиш, обод қилиш ишларига кўмаклашишлари керак.

Хотира куни қабристонларда кенг жамоатчилик иштирокида оммавий митинглар ўтказилади. Бунинг учун эса махсус жой — майдонча тайёрлаш лозим бўлади. Маданият, маориф, комсомол ходимлари ҳам бу кунги тадбирларнинг таъсирчан, мазмунли, эсда қоларли қилиб уюштирилишидан четда турмасликлари керак. Ўлка музейлари, жанговар ва меҳнат шуҳрати хоналари янги экспонатлар, ҳужжатлар, марҳумларнинг шахсий буюмлари ва мукофотлари билан бойитилишига ёшлар катта ҳисса қўшишлари мумкин. Қабристонларни ободонлаштиришга шахсий жамғармалар, шанбаликлар, концерт ва томошалардан тушган маблағларнинг маълум қисмини ажратиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Албатта, Хотира куни фақат ўтганларни ёдга олишдан иборат дейиш хато бўлур эди. Бу кундан эскирган, зарарли, диний қобиққа ўралган урф-одатлар ўрнига социалистик анъаналаримизни қарор топтириш воситаси сифатида самарали фойдаланиш керак. Меҳнат коллективларида Хотира вахталари ўтказиш, шу кунларда юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, Ватан бахти ва озодлиги йўлида ҳалок бўлганларни ишчилар коллективларига фахрий аъзо қилиб олаётган ташаббускорларнинг ҳаракати ҳар қанча қўллаб-қувватлашга арзийди. Хотира боғлари, хиёбонлари яратиш ҳам халқимизнинг ўтганларга нисбатан чексиз меҳр-оқибатини кўрсатади.

Шу куни кенг меҳнаткашлар оммаси иштирокида сиёсий-тарбиявий ишларни ҳар томонлама жонлантириб юбориш мумкин. Ҳаётининг мазмунини халққа хизмат қилишда деб билган шонли авлод вакиллари ҳақида ҳикоя қилувчи кинофильмлар намойиш этиш, музейларга экскурсия уюштириш, қаҳрамонлар хотира-совринии учун спорт мусобақалари ташкил этиш мумкин.

Республика комсомоли ўтказаётган оммавий мудофаа ишлари ҳафталиги ҳам диққатга сазовордир. Ана шу ҳафталик давомида комсомол-ёшларнинг революцион, жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати жойлари бўйлаб юриши Бутуниттифоқ штабларининг йиғилишлари бўлмоқда. Ёшлар ҳафталик программасига мувофиқ мемориал комплекслар, ёдгорликлар олдида шанбаликлар ташкил этишмоқда. Тарих ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамияти ҳузуридаги «Прометей» клуби, мактаблардаги қизил изтопарлар клуби ва бошқаларнинг Хотира куни арафасидаги изланишлари диққатга лойиқдир. Улар Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ҳамюртларимизнинг қаҳрамонликларини ўрганиш, қабрларини аниқлаш борасида кўпгина хайрли ишлар қилмоқдалар.

Инсон номи мағрур жаранглайди, деган эди пролетар ёзувчиси Максим Горький. Ҳаётини эл-юрт хизматига бахшида этган, эзгу ишлар билан нурли из қолдирган кишиларнинг номи ҳам, хотираси ҳам мангу яшайди! Чинакам халқпарвар, инсонпарвар замонамиз бундай зотларни боши узра кўтариб, уларнинг ёрқин хотирасини авлодлардан авлодларга узатаверади.

Зотан, КПССнинг XXVII съезди ҳам «Муайян авлодга хос яхши анъанани қўллаб-қувватлаш, ёшларни кекса авлодлар тажрибаси асосида тарбиялаш зарур»лигини яна бир бор таъкидлади.

Хотира куни меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида съезд олдимизга қўйган улуғвор вазифаларни бажаришга бевосита хизмат қилсин. У халқимизнинг энг оммавий, энг зарур ва фойдали анъанаси сифатида, бутунлай янгича замонавий маросим сифатида турмушимизга чуқур сингиб бориши муқаррар.

## КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 27 март куни бўлиб ўтган мажлисида бир қанча министрликлар ва идораларнинг бирлашмалари, корхоналари ҳамда ташкилотларини улгуржи савдо тартибида моддий-техника таъминотига ўтказиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Шу муносабат билан белгиланган тадбирлар партия XXVII съездининг янги хўжалик механизми ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш талабларига мувофиқ, моддий-техника таъминотини қайта қуриш тўғрисидаги қарорларини ижро этиш юзасидан 1987 йилдан бошлаб амалга оширилади. Бу эса таъминотнинг оперативлиги ва барқарорлигини ошириш, моддий ресурслардан яна ҳам самарали фойдаланишни таъминлаш, фондларни тақсимлаш тартибини соддалаштириш, шунингдек корхоналар ва министрликларни тегишли буюртмалар тузиш борасидаги жуда катта ишлардан ҳоли қилиш имконини беради.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг болаликдан инвалид бўлиб қолган кишиларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Қарорда шу категориядаги инвалидлар нафақаларининг миқдорини ошириш, уларни дори-дармон билан таъминлашда имтиёзлар белгилаш, инвалидларнинг бир қисмига шаҳар пассажир транспортида бепул қатнаш ҳуқуқини бериш, кузги-қишки даврда темир йўл, ҳаво, сув транспорти ва шаҳарлараро автомобиль транспортларида қатнаш ҳақига скидка жорий этиш кўзда тутилади. Болаликдан инвалид бўлиб қолган кишиларнинг умумий таълим ва профессионал тайёргарлигини, уларга медицина хизмати кўрсатишни ва уй-жой шароитларини анча яхшилаш кўзда тутилган.

Сиёсий бюро меҳнаткашларнинг КПСС XXVII съезди номига келган кўпдан-кўп таклифларини инобатга олиб, меҳнатсиз топиладиган даромадларга қарши курашни кучайтириш вазифалари ҳақидаги масалани муҳокама қилди. Шу мақсадда ҳуқуқий чоралар ҳамда бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Ана шу чора-тадбирлардан кузатилган мақсад қонунга хилоф ишлар қилиш, ўғирлик, порахўрлик, чайқовчилик қилиш, давлатга қарашли транспорт воситаларидан, машина ва механизмлардан ғаразли мақсадларда ўзбошимчалик билан фойдаланиш йўли билан меҳнатсиз даромад топишни таг-томири билан тугатишдан иборатдир. Марказлардаги ва жойлардаги партия, давлат ва жамоат органларига меҳнат қилмай даромад олаётган шахсларга қарши курашни кучайтириш, бу курашни актив ва мурасасиз олиб бориш, меҳнатга қараб ҳақ тўлашдан иборат социалистик принципга қатъий риоя этилишига, давлат ва гражданларнинг ҳисобига ғайриқонуний равишда бойишнинг барча йўллари ва тирқишлари мустаҳкам ёпиб қўйилишига эришиш топширилди.

Айни вақтда кустар-ҳунармандчилик касблари, қишлоқ хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ва гражданларнинг фақат шахсий меҳнатига асосланган бошқа соҳаларда Конституцияда кўзда тутилган якка тартибдаги меҳнат фаолиятини яна ҳам аниқ-пухта тартибга солувчи ҳуқуқ актларини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Сиёсий бюро чорвачилик учун оқсилли озуқа етиштириш юзасидан илгари қабул қилинган қарорлар қандай бажарилаётганлигини контрол тариқасида кўриб чиқди. Бир қанча министрликлар ва идоралар, шунингдек баъзи республикалар, ўлкалар ва областларнинг совет ҳамда хўжалик органлари белгиланган топшириқлар бажарилишини таъминлаш борасида тегишли ташкилотчилик ишларини йўлга қўймаганликлари қайд этиб ўтилди. Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети қабул қилган қарорлар сўзсиз бажарилиши учун тегишли министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида уларни огоҳлантирди. Иттифоқдош республика Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига озуқа оқсили етиштириш билан боғлиқ масалаларнинг бутун комплексини кўриб чиқиш ҳамда ем-хашакни кўпайтириш ва унинг сифатини ошириш соҳасидаги ишларнинг тубдан яхшиланишини таъминлаш таклиф этилди.

Сиёсий бюро мамлакатда табиий муҳитни булғанишдан муҳофаза этиш борасида ўтказилаётган ишлар ҳақида СССР Гидрометеорология ва табиий муҳитни контрол қилиш давлат комитетининг ахборотини кўриб чиқди. Тегишли идораларнинг раҳбарларига, шунингдек маҳаллий партия ва давлат органларига Сиёсий бюронинг кўрсатмалари асосида табиатни муҳофаза қилишни янада кучайтириш ва шу соҳада қонун талабларига қатъий риоя этиш юзасидан тадбирлар комплексини амалга ошириш топширилди.

Сиёсий бюро ўртоқ Э. А. Шеварднадзенинг Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрлари комитетининг 19—20 март кунлари Варшавада бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси ҳамда Польша Халқ Республикасига дўстона визити якунлари тўғрисидаги ахборотини тинглаб, маъқуллади. Иттифоқчи мамлакатларнинг ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бораётганлигидан, улар ўртасидаги бaҳамжиҳат ҳаракатнинг форма ва методлари такомиллашаётганлигидан, уруш хавфига қарши, турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги курашда уларнинг активлиги кучайиб бораётганлигидан мамнуният изҳор қилинди.

Ўртоқ П. Н. Демичевнинг Ҳиндистон Коммунистик партияси XIII съезди ишида КПСС делегациясининг иштироки тўғрисидаги, шунингдек делегациянинг бош министр Р. Ганди ва Ҳиндистоннинг бошқа раҳбарлари билан учрашувлари ҳақидаги ахбороти кўриб чиқилди. Ҳиндистон Компартияси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш, совет халқи билан ҳинд халқини боғлаб турган дўстлик алоқаларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш иштиёқи таъкидлаб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида Коммунистик партия ва Совет давлатининг ташқи сиёсатини амалга оширишга доир бошқа бир қанча масалалар муҳокама қилинди. Бу сиёсат тинчлик ва социализм кучларининг позицияларини мустаҳкамлашга, қуролланиш пойгасини бартараф этишга ва халқаро муносабатларни соғломлаштиришга қаратилгандир.

## ВИЗИТ ТУГАДИ

27 март куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан Жазоир Халқ Демократик Республикасининг президенти, миллий озодлик фронти партиясининг Бош секретари Ш. Бинжадид ўртасидаги музокаралар давом эттирилди.

Музокараларда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри С. Л. Соколов, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добринин ва бошқалар, шунингдек ЖХДР раҳбарига ҳамроҳ бўлиб келган жазоирлик расмий кишилар қатнашдилар.

Амалий, дўстона муҳитда ўтган музокаралар вақтида томонлар Совет—Жазоир икки томонлама муносабатлари масалаларига алоҳида эътибор бердилар. Шу муносабатларнинг муваффақиятли ривожланиб бораётганлигидан мамнуният изҳор этилди ҳамда Совет—Жазоир дўстона алоқаларини янада мустаҳкамлаш муддаоси тасдиқланди.

Икки томонлама ҳамкорлик борасида шу ҳамкорликни турли соҳаларда бундан буён ҳам кенгайтириш имконини берадиган салмоқли ижобий тажриба орттирилганини томонлар таъкидлаб ўтишди. Томонларнинг бу ҳамкорлик формалари ва методларини янада такомиллаштиришга интилавериш нияти борлиги тасдиқланди.

Бир қанча актуал халқаро проблемалар хусусида фикрлашувлар ҳам давом эттирилди.

* * *

Шу куни Кремлда Совет-Жазоир ҳужжатлари имзоланди.

М. С. Горбачев ва Ш. Бинжадид СССР ва ЖХДР ўртасида иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг узоқ муддатли программасини имзоладилар. Маслаҳатлашувлар тўғрисидаги Совет—Жазоир протоколини Э. Шеварднадзе ва А. Т. Иброҳими имзоладилар.

СССР ҳукумати билан ЖХДР ҳукумати ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим ҳам имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш вақтида Г. А. Алиев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Н. И. Рижков, В. М. Чебриков, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, С. Л. Соколов, Н. В. Тализин, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, В. А. Медведев, Г. П. Разумовский, А Н. Яковлев ўртоқлар, шунингдек Ш. Бинжадидга ҳамроҳ бўлган жазоирлик расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

* * *

ЖХДР президенти, миллий озодлик фронти партиясининг Бош секретари Ш. Бинжадид рафиқаси билан 28 март куни Москвадан жўнаб кетди. У КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турди.

Жўнаб кетиш олдидан Катта Кремль саройининг Георгий залида кузатиб қўйиш маросими бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ва унинг рафиқаси Жазоир раҳбари ва унинг рафиқаси билан хайрлашдилар.

Кузатиб қўйиш маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико рафиқаси билан, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе рафиқаси билан, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри С. Л. Соколов, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добринин иштирок этдилар.

Мотоциклчилар фахрий эскорти ҳамроҳлигидаги автомашиналар кортежи Кремлдан аэродром томон йўл олди.

* * *

Аэродромда самолёт зинапояси олдида Ш. Бинжадид ва унинг рафиқасини А. А. Громико рафиқаси билан, Э. А. Шеварднадзе рафиқаси билан, С. Л. Соколов, Н. В. Тализин, А. Ф. Добринин ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

ЧИГИТ ЭКИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КУНДАЛИГИ

ТАВСИЯЛАРГА АМАЛ ҚИЛИБ

## ФУРСАТНИ БОЙ БЕРМАЙЛИК

БИЗ МЎЛ, эртаги ва сифатли ҳосил учун курашни куздан, яъни ерларни шудгорлашдан бошлаганмиз. Экин майдонларига картограммага асосан маҳаллий ва минерал ўғит солганмиз. Айни пайтда эса бутун диққат-эътибор кўкламги дала ишларини жадаллаштиришга қаратилган. Бу соҳада бизга область пахтакорлар Советининг тавсиялари муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда. Биз тавсияларга ижодий ёндашмоқдамиз. Ундаги кўрсатмаларни ўзимизнинг шароитимизга мослаб, тажрибаларимиздан келиб чиққан ҳолда бажармоқдамиз.

Мен механизаторман. Кўп йиллик фаолиятим давомида ҳар хил усулда чигит экдим. Ҳар хил шароитда пахта тердим. Тажрибалар шуни кўрсатдики, машина теримининг сифати, салмоғи уруғликни қай даражада экишга кўп жиҳатдан боғлиқ экан. Шунинг учун далаларни экишга тайёрлашдан олдин ерни тайёрлашга алоҳида эътибор бериш керак. Қолиб кетган паст-баландликлар албатта, қайта текисланиши шарт. Шунда майдонларга уруғлик бир хил чуқурликда тушади, трактор бир текис ҳаракат қилади. Ишнинг унуми юқори бўлади.

Мен меҳнат қилаётган Эркин Ғуломов бошчилигидаги 7-бригадада ҳар йили ҳам чигит экиш икки, узоғи билан уч кунда тугалланади. Чигитнинг сифатли экилишини бригадирнинг ўзи назорат қилиб боради. Парвариш даврида ҳам, йиғим-терим даврида ҳам сифат учун курашамиз. Натижа ёмон бўлмаяпти. Йилдан-йилга ҳосилдорлик ошиб боряпти. 1985 йилда гектаридан 41 центнердан пахта йиғиштириб олдик. Бу ҳосилнинг 90 процентдан ортиғи машиналарда терилди. Менинг ўзим агрегатим бункеридан 237 тонна пахта тўкдим. 80 процент ҳосил биринчи сортга сотилди.

Юқорида айтганимдек, бу ютуқларнинг бош манбаи ўзимизга боғлиқдир. Биз бутун ҳаракатни, диққат-эътиборни белгиланган режаларнинг бажарилишига, бажарилганда ҳам вақтида бажарилишига қаратамиз. Бу иш фақат бизнинг бригадамизда эмас, колхозимизда ҳам яхши йўлга қўйилган. Деярли барча майдон экишга шай ҳолга келтирилди. Техника икки-уч бор синовдан ўтказилиб, тайёрлик чизиғига қўйилган.

Колхозимизда ерни экишга тайёрлаш, чигит экиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан мусобақа шартлари ишлаб чиқилди. Унинг ҳар бир банди бригада бошлиқлари, механизаторлар билан келишилган ҳолда тузилган. Бригадамиз аъзолари бу беллашувда ғолиб чиқиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Мақсадимиз съездлар йилида 58 гектар майдоннинг ҳар гектаридан олинадиган ҳосилни 42 центнерга етказишдир. Бунинг учун барча имкониятлар бор.

**С. УСЕИНОВ,**
**Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози механизатори.**

## КОМСОМОЛЛАР ҒОЛИБ

БРИГАДА бошлиғи Абдуваҳоб Ахтанов тушдан кейин механизатор Бакир Алимов бороналашга тушган картага борди. У ернинг текислигини, ишнинг сифатини синчиклаб кўздан кечирди. Ишдан кўнгли тўлиб навбатдаги картага ўтди. Бу майдон бригадага қарашли сўнгги карта. «Бугун бу ерни ҳам ишловдан чиқариб қўйсак, марра бизники. Сўнгра бутун ҳаракатни чигит экишга қаратамиз» хаёлидан ўтказди бригада етакчиси.

Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхознинг бу комсомол-ёшлар бригадаси ҳақиқатан ҳам мавсумга пухта ҳозирлик кўрмоқда. Улар баҳорги дала ишларини ўтказиш бўйича ташкил этилган бригадалараро мусобақада ҳам пешқадамликни қўлдан беришмаяпти. Барча тадбирлар аниқ ва сифатли бажарилмоқда.

— Бу йил биз пахтадан фақатгина мўл ҳосил олиш учун курашмаяпмиз, —деди бригада бошлиғи А. Ахтанов. — Мақсадимиз Ватанга сифатли «оқ олтин» етказиб беришдир .Чунки КПСС XXVII съездида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини яхшилаш алоҳида таъкидланди. Съезддан кейин бригадамизда бўлиб ўтган йиғилишда маслаҳатлашиб, имкониятларимизни ҳисобга олиб 56 гектар майдоннинг ҳар гектаридан олинадиган ҳосилни 40 центнерга етказишга аҳд қилдик.

**Қ. РАЖАБОВ.**

19 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

## Давр талабига ҳамоҳанг

Баъзан, олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ қабилида иш тутамиз. Шу маънода Ўзбекистон Компартияси XXI съездида айтилган «Халқ бойлигини жамғаришимиз керак, аммо биз аксинча, кўп нарсани исроф қиляпмиз... Хўжаликни юритишдаги ноқудгарчилик, давлатнинг ҳар бир тийинини тежай олмаслик ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир меҳнаткашнинг юрагини ачитиши керак. Биз бепарволикка, пассивликка ва бўшашувчанликка қарши шафқатсиз ва оммавий ҳужум эълон қилишимиз лозим» деган сўзлар мен учун айниқса қадрлидир.

Кўп йилдан буён комплекс бригадага бошчилик қиламан. Коллективимизда жами 300 дан зиёд киши ишлайди. Ҳозир биз Чилонзор массивидаги 80 квартирали турар-жой қурилишини ниҳоясига етказяпмиз.

Анъанавий шанбаликлар ҳар доим коллективимиз аъзоларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Бу галги шанбалик биз учун алоҳида қувончлидир: ҳозиргача бригадамиз аъзолари қарийб бир ярим-икки минг сўмлик қурилиш материалларини тежаб қолишди. Биз шанбаликда ана шу тежалган материаллар ҳисобига ишлаймиз.

**Раҳим НИЕЗОВ,**
**2-уйсозлик комбинати 60-қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор.**

## Беш йиллик фондига 1100 сўм

МОСКВАЛИК илғор саноат корхоналари коллективларининг 19 апрелда Коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббусини Тошкентдаги асбобсозлик заводи коллективи ҳам биринчилар қатори қўллаб-қувватлади. Корхонада шанбаликни ўтказиш бўйича махсус штаб тузилди. Штаб аъзолари аниқ план асосида агитация-тайёргарлик ишларини бошлаб юбордилар.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, меҳнат байрамида 860 киши қатнашади. Шундан 600 нафари бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлади. Шу куни 28 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади. Беш йиллик фондига 1 минг 100 сўм пул ўтказилади.

Шу куни 200 дан ортиқ киши ободонлаштириш ишлари билан шуғулланади, юзлаб туп турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилади.

**А. ҒУЛОМОВ.**

